

# БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИНГ ЗАРУРАТИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти  
Мухамедова С.И.

*Аннотация:* Мақолада рақамли иқтисодиёт ривожланаётган бир пайтда харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннарихи – илмий асосланган бошқарув қарорларини тадқиқ этиши ва қабул қилишида муҳим ахборот базаси эканли очиб берилган.

*Калит сўзлар:* рақамли иқтисодиёт, бошқарув қарорлари, молиявий ҳисоб, Ишлаб чиқариш харажатлари, ахборот тизими.

*Аннотация:* В статье раскрывается, что хозрасчет и калькуляция себестоимости продукции являются важной информационной базой для исследования и принятия научно обоснованных управленческих решений в условиях развития цифровой экономики.

*Ключевые слова:* цифровая экономика, управленческие решения, финансовый учет, себестоимость продукции, информационная система.

*Abstract:* The article reveals that cost accounting and product costing is an important information base for researching and making science-based management decisions at a time when the digital economy is developing.

*Key words:* digital economy, management decisions, financial accounting, Production costs, information system.

Мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши самарали хўжалик юретиши, ахборот технологиялари, барча янги ва тараққийпарвар ютуқларни фаол ва изчил татбиқ этишни талаб қилади. Бундай шароитларда бухгалтерия ҳисобининг роли беқиёс даражада ортиб боради, чунки нафақат қилинган харажатларни олинган даромадлар билан қиёслаш, балки ташкилотлар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятига қўйилган ҳар бир сўмдан самарали фойдаланиши бўйича мукамал ҳисоб олиб боришни тақозо этади.

Хўжалик фаолиятининг ахборот таъминоти – бу хўжаликни муқобил бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотлар тизимидир. Бунда самарали қарорларни қабул қилиш имконини таъминлайдиган ахборот тизимини ташкил этиш хўжалик фаолиятидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга бухгалтерия ҳисоби корхонани шунчаки ахборот билан таъминлаб қолмай, балки бошқаришни самарали ташкил этиш имкониятини берадиган ахборотлар тизими билан таъминлаши зарур.

Ҳозирги шароитда олинган ахборот олий сифатли ва самарадор, ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар талабини қондирадиган бўлиши лозим. Бу шуни англатадики, бухгалтерия ахбороти кўрсаткичларнинг энг кам миқдоридан иборат бўлиши, аммо бошқарув иерархиясининг турли

даражаларидаги унинг фойдаланувчиларидан энг кўп миқдорини кондиритиши лозим. Тақдим этиладиган ахборот зарур, муҳим ва мақсадга мувофиқ бўлиши, ортиқча кўрсаткичларни истисно этиши керак. Бундан ташқари, бухгалтерия ахбороти энг кам миқдорда меҳнат ва вақт сарф қилган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Дастлабки маълумотларнинг катта ҳажми менежерларга уни тўлиқ англашга, таҳлил қилишга ва ўзларининг ишларида ишлатишга ҳалақит беради. Менежерлар ўзларининг вазифаларини бажариш учун қисқа кўринишда ва бошқа гуруҳлаштирилган ахборотларни ишлатиш керак.

Бозор иқтисодиёти ривожланаётган бир пайтда харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннарихи – илмий асосланган бошқарув қарорларини тадқиқ этиш ва қабул қилишда муҳим ахборот базаси бўлиб ҳисобланади.

Харажатларни тезкор бошқариш учун уларнинг ҳисобини харажат элементлари ва моддалари бўйича ҳисоб объектлари кесимида аниқ олиб бориш ва маҳсулот таннарихини оператив аниқлаш, уни бозор баҳолари билан солиштириш ва молиявий натижаларни қисқа вақт оралиғида аниқлаш муҳимдир.

Шуни қайд қилиш лозимки, бухгалтерия ахборот тизимининг натижасида ҳисоботлар қуйидаги гуруҳлар учун тузилади:

- 1) бухгалтерия ахборотидан ташқи фойдаланувчилар учун;
- 2) даврий режалаштириш ва назорат мақсадлари учун;
- 3) ностандарт вазиятлар вужудга келганда муқобил қарорлар қабул қилиш ва корхона сиёсатини танлаш учун.

Молиявий ҳисоб ташқи фойдаланувчиларга хабар қилинадиган ахборотларни қамраб олади. Шу ўринда корхона таркибига кирмайдиган ташқи фойдаланувчиларни бевосита ва билвосита молиявий қизиқишга эга фойдаланувчиларга бўлиш мумкин.


Бошқарув жараёнининг ахборот таъминоти бухгалтерия, статистика ҳисоботлари, тезкор маълумотлар, турли норасмий маълумотларни ўз ичига олади. Корхонага нисбатан ахборот маълумотлари оқими ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Корхонада ахборот муҳити ва бошқарув қарорларини тузиш ҳамда қабул қилишдаги кичик тизимларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги схемада кўришимиз мумкин.

Корхона раҳбарияти томонидан муқобил бошқарув қарорларини қабул қилишда ва ахборотларни шаклланишида ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда бухгалтерия ҳисоби қуйидаги тамойиллар асосида амал қилади:

- Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни олдиндан билиш тамойили. Бунда келгуси давр харажатлари ва даромадларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.
- Қабул қилинган қарорларнинг маъсулиятлилиги тамойили. Агарда хўжалик фаолиятида маъсулият бўлмаса, жавобгарлик марказлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритишдан маъно мантиқ бўлмайди.

- Тўлалик тамойили. Ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисоби дастлабки ҳужжатларисиз ва иккиёклама ёзув тамойилисиз юритилган ҳолатларда ҳам у авваламбор молиявий ҳисоб ва ҳисоботлар кўрсаткичлари маълумотлари билан мос ҳолда бўлиши керак.
- Тушунарлилик тамойили. Аналитик жадваллар, графиклар кўринишидаги маълумотлар фойдаланувчилар учун тушунарли ва қўлай бўлиши керак.

### Бошқарув қарорларини қабул қилиш ахборот муҳити



Ғ.Н.Санаев фикрича юқорида кўрсатилган тамойилларни инкор этмаган ҳолда, уларни **аҳамиятлилик** (ҳисобот ўзида фойдаланувчи учун аҳамиятли бўлган маълумотларни акс эттириши, ортиқча маълумотлардан ҳолис бўлиши лозим) ва **таққослаш** (ҳисобот маълумотларидан жавобгарлик марказларида фойдаланиш имконияти бўлиши керак, ҳисобот маълумотлари режа, бюджет ва смета кўрсаткичлари билан таққослаш имкониятини бериш керак) тамойиллари билан тўлдириш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бошқарув ҳисоби элементларидан фойдаланишда молиявий ва бошқарув ҳисобларининг ўзаро таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасида кўп умумийлик мавжуд, уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотларидан фойдаланади. Корхона ҳисоб тизимининг бўлимларидан бири харажатлар ва даромадлар ҳисоби бўлиб, у молиявий ҳисобда ҳам бошқарув ҳисобида ҳам қўлланилади. Бундан ташқари иккала ҳисобнинг ахборотлари муқобил бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобининг аниқ амалий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хўжалик фаолиятида таваккалчилик кўп учрайдиган жойларни аниқлаш;
- хўжаликда баҳо сиёсатини аниқлаш;

- ассортимент сиёсатини шакллантириш ва маҳсулотларнинг даромадсиз турларини аниқлаш;

- кўшимча харажатлар самарадорлигини баҳолаш ва капитал кўйилмаларнинг мувофиқлиги.

Ушбу вазифалар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш доирасини қамраб ололмайди. Ишчиларни рағбатлантириш шартлари ҳисобга олинмайди, буларсиз эса корхона жавобгарлик марказлари бўйича самарали ҳисоб тизимини туза олмайди, уларнинг фаолиятини назорат ва баҳолай олмайди, ўз вақтида меъёрлардан оғишишларни аниқлай олмайди. Ушбу мақсадларда ишлаб чиқариш харажатлари бухгалтерия ҳисоби вазифаларини қуйидагича тўлдириш мумкин:

- самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланувчилар учун зарур ахборотларнинг “кириши” ва “чиқишини” талқин қилиш;
- ишчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш шароитларини яратиш;
- натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Махсудов, Б. (2012). Бошқарув ҳисобининг тарихига бир назар. *Экономика и инновационные технологии*, (3), 99-104.
2. Nurmanov, K. (2020). Стратегик бошқарув ҳисоби мақсадлари учун маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг халқаро усулларидан фойдаланиш. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (5), 140-146.
3. Махсудов, Б. (2012). Бошқарув ҳисобининг тарихига бир назар. *Экономика и инновационные технологии*, (3), 99-104..
- 4.Ширинов, У. А. (2021). Conceptual issues of segmentary audit in communication enterprises. *Экономика и социум*, (7), 554-558.
- 5.Ширинов, У. А. (2021). Improvement of methodology of auditoral assessment of segmentary accounting and reporting reality in committees providing communication services. *Экономика и социум*, (5-2), 642-647.1.
- 6.Bondarskaya, O. V., Tukhtabaev, J. S., Akramova, R. R., Saidrasulova, K. B., Shirinov, U., & Kurbanova, Z. T. (2023, April). The Impact of Digitalisation on the Safe Development of Individuals in Society. In *Internet of Things, Smart Spaces, and Next Generation Networks and Systems: 22nd International Conference, NEW2AN 2022, Tashkent, Uzbekistan, December 15–16, 2022, Proceedings* (pp. 299-309). Cham: Springer Nature Switzerland.